

ЖИНОЯТЧИЛИККА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА ШАРТ- ШАРОИТЛАРНИ БАҲОЛАШ

Турдимамбетов И.Р.,
Уразимбетова Ю.Х.
Қорақалпоқ давлат университети,
Ўзбекистон

Аннотация: В данной статье говорится об отличии преступления от преступности, происхождении и причинах возникновения, условиях, признаках, представляющих правовую и криминологическую стороны преступности.

Ключевые слова: Преступность, преступление, криминология, причина, состояние, юридическое, социальное.

Abstract: This article discusses the difference between crime and criminality, the origin and causes of occurrence, conditions, and characteristics that represent the legal and criminological aspects of crime.

Key words: Criminality, crime, criminology, cause, condition, legal, social.

Жиноят ва жиноятчилик бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳодиса бўлиб, жиноят — жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят қонунида тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш, (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни айбли содир этишдан иборат бўлган ҳодиса бўлса, жиноятчилик муайян вақт мобайнида содир этилган барча турдаги жиноятларнинг йиғиндисидан иборат [10].

Жиноятчилик ғоят мураккаб ижтимоий ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, унинг кенгроқ таърифини қуйидагича ифодалаш мумкин: жиноятчилик кишилиқ жамиятида мавжуд бўладиган ўзининг қонуниятларига, сифат ва миқдор тавсифига эга бўлган, жамият ва кишилар учун салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган ва унинг устидан давлат ва жамиятнинг махсус назорат чоралари ўрнатишни талаб қиладиган салбий, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир [9].

Алоҳида ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноят эканлиги масаласи жиноят ҳуқуқида ўрганилади. Криминология фани эса, қилмишнинг жиноят ва жиноят эмаслигини эмас, балки жиноятчиликни кишилиқ жамиятида мавжуд бўладиган салбий ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади.

Жиноят ҳуқуқи жиноятга юридик факт сифатида қараса, криминология жиноятни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади. Шунга кўра, жиноят ҳуқуқи билан криминология фани бир-бири билан узвий боғлиқ эканлиги жиноят ҳуқуқида белгиланади. Шунга кўра, криминология ўзининг бошланғич асосларини жиноят ҳуқуқидан олади [9].

Қилмишни жиноят деб, ҳисоблаш масаласи тўрт белги билан ифодаланади.

- ❖ Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги
- ❖ Ҳуқуққа хилофлиги
- ❖ Жазога сазоворлиги
- ❖ Айбнинг мавжудлиги

Жиноят криминологик нуқтайи назардан ўрганилганда икки жиҳатдан ёндашилади, яъни:

- биринчидан - жиноят содир қилган шахснинг ўзини тавсифи ва уни ўраб турган атроф-муҳит нуқтайи назардан;
- иккинчидан — жиноятга бир марта содир қилинган алоҳида акт сифатида эмас, балки вақт ва маконда содир этилган жараён нуқтайи назардан ўрганилади [2].

Жиноят ҳуқуқи жиноятни жиноят содир қилиш пайтида қонунда белгиланган ёшга етган ақли расо шахс томонидан содир этилган юридик факт сифатида ўрганса, криминологияда жиноятчилик қуйидаги белгиларда ифодаланадиган ҳодиса, деб ўрганилади:

- Жиноятчилик – жамиятда мавжуд ҳодиса;
- Жамият ва кишилар учун салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган ва унинг устидан давлат ва жамиятнинг махсус назорат чораларини ўрнатишни талаб қиладиган салбий ижтимоий ҳодиса;
- Жиноятчилик – ўзгарувчан ҳодиса;
- Жиноятчилик – ижтимоий – ҳуқуқий ҳодиса.

Жиноятчиликнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги шундаки, жиноятларнинг субъектлари жамият аъзоларининг ўз ичидаги шахслар бўлиб, улар ўзлари билан бирга яшаб турган жамиятдаги ижтимоий муносабатларга ва жамият аъзоларига тажовуз қилади. Жиноятчилик ҳодисанинг шароит ва сабаблари ҳам ижтимоий сабаблар туфайли юз беради. Жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида бошқа ҳар қандай ижтимоий муносабатлардаги иқтисодий, сиёсий, ғоявий, руҳий бошқарув, ҳуқуқий ва ҳоказо муносабатлар билан боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг ўсиши, хусусиятлари, ижтимоий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги қарама-қаршиликлар, криминологик вазиятларнинг миқёси билан белгиланади [1].

Жиноятчиликнинг сабаблари ғоят мураккаб мавзулардан бири ҳисобланиб, инсониятнинг кўп минг йиллик тарихида бу салбий ижтимоий ҳодиса одамларнинг енг илғор қисмини ҳар доим ташвишга солиб келган. Нима сабабдан одамларнинг муайян қисми жиноят содир қилади? Жиноят содир қилишнинг сабаби қаерда ётади? Бу муаммо фанларнинг турли тармоқлари мутахассислари томонидан жиддий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда ва ҳозирги кунда ҳам олимлар бу борада бир фикрга келишган эмас [1].

Илмий-назарий жиҳатдан ёндошилса, «сабаб» тушунчаси ўзига хос мазмун ва моҳиятга эга. Мазмун жиҳатидан табиат ёки жамият ҳаётида у ёки бу воқеликнинг юзага келишида катта ўрин тутиши тушунилса, моҳият жиҳатидан салбий ёки ижобий вазиятларни юзага келтириши тушунилади. Шунинг учун бир қатор ижтимоий-табиий фанлар, айниқса, фалсафа фанида бу муаммога жавоб топишга алоҳида эътибор қаратилган. Умуман олганда, «сабаб» ўзига хос тушунча сифатида, яъни объектив воқеликда ўзаро боғлиқ бўлган сабаб ва

оқибатни юзага келтирувчи қонуният деб эътироф этилганини кўриш мумкин [5].

Сабабнинг юзага келиш жараёни вақт мобайнида маълум бир босқичлар асосида шаклланади ва айтиб ўтилганидек, оқибатни келтириб чиқаришга таъсир этади. Айниқса, жамият ҳаётида содир буладиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланишида сабаб ва оқибат ўзига хос равишда кечади. Ўз навбатида, ҳар бир сабабни келтириб чиқарувчи «сабаб»нинг мавжуд эканлигини ҳам ёдда тутиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда криминология фанида жиноятчиликнинг сабабларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилганини кўриш мумкин [3].

Сабаб ва оқибатнинг ўзаро боғлиқлиги, шароит билан узвий алоқада эканлиги қонуниятини билиш эса айнан жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этишга имкон яратади. Чунки сабабнинг келиб чиқишида маълум бир шароитнинг мавжуд бўлиши табиий бир ҳолдир. Бинобарин, сабаб ва шароитни бир-биридан ажралган ҳолда кўриб чиқиш асло мумкин эмас [4].

Сабаб ва шароитни комплекс тарзда ўрганиш жиноятчиликнинг келиб чиқишини илмий билишда катта аҳамиятга эга. Шу орқали жиноятчилик ва жиноятни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитга криминоген-детерминант сифатида қараш лозим [7].

Ижтимоий ҳодисаларни юзага келтирувчи сабаб ва шароитлар ўзига хос методологик ва мазмунлар нуқтаи назаридан тавсифланади ҳамда шу асосда жамият ҳаётида руй бераётган воқеаларга баҳо бериш мумкин. Жумладан:

а) сабаб ва оқибат қонуниятининг икки — динамик (доимий ҳамда оқибатни тўғридан-тўғри келтириб чиқарувчи) ва статик (юзага келиши мавжуд бўлган) шакллари мавжудлиги;

б) ижтимоий детерминант ҳолатларни таҳлил этишда маълум бир тизимга хос бўлган хусусиятларни билиш орқали ёндашиш зарурлиги. Бу каби ёндашув ўрганилаётган ижтимоий воқеликни ҳам ички, ҳам ташқи томондан аниқ таҳлил этишга ёрдам беради, яъни «жамиятда», «ижтимоий-иқисодий босқичда», «дунё миқёсида» ва ҳақозо;

в) ижтимоий детерминант ҳолатларни аниқлаш орқали жамиятда мавжуд қарама-қаршиликларнинг самарали ечимини топишга ёрдам бериши;

г) ижтимоий воқеликлар жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий гуруҳлар ва шахслар ўртасидаги ўзаро турли муносабатлар тизимини ифодалаши билан бирга, айнан шу муносабатларда шахснинг қизиқишлари ва мақсади бўлишини эътиборга олиш лозимдир. Ана шундай ижтимоий-психологик ҳолатлар жамият аъзоларида ўзаро муносабатнинг шаклланишида катта омил ҳисобланади;

д) ижтимоий детерминация қонуниятлари таҳлилининг кўрсатишича, ҳар бир ҳодиса ва умуман, воқелик тарихий нуқтаи назардан куриб чиқилиши лозимлиги, яъни муқаддам қандай эди ва ҳозир қандай ҳамда келгусида қандай

бўлиши мумкинлигини билиш барча ҳодиса ва воқеликлар бўйича башорат қилиш мумкинлигини ҳам кўрсатади [7].

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари маълум бир ижтимоий-иқтисодий информацияга тааллуқли давлат ҳаётида салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи ҳамда жиной оқибатларни юзага келтирувчи воқеликдир.

Жиноятчилик сабаблари ижтимоий-психологик воқелик сифатида жиноятчилик ҳамда жиноятларни келтириб чиқарувчи ўзига хос жараёнлар тизимидир. Айнан шу сабаблар асосида жамиятда криминоген ҳолатлар юзага келади. Ғайриинсоний қарашлар, одатлар, қизиқишлар ва қасд қилиш кабилар жиноятчилик сабабларини ташкил этади. Шу билан бирга, ушбу тизимга кирувчи шахс табиатида бўладиган ғаразгўйлик, ружу қўйиш, бировлар ҳисобига яшаш, инсонпарварликка қарши агрессив хусусиятга эга бўлиш, миллатчилик, жамиятда мавжуд тинчлик ва хавфсизликка риоя этмаслик каби ҳолатлар ҳам жиноятчиликни келиб чиқишида салбий ўрин тутишини эътиборга олиш лозим [6].

Жиноятчиликнинг келиб чиқишида муҳим аҳамиятга эга сабаб ва шароит ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу ҳолат «криминоген-детерминант» деб эътироф этилган. Зотан, ҳар қандай шароитнинг ўзи жиноятчилик ва жиноятни юзага келтирмайди. Шароит мавжуд бўлган ҳолда бирор-бир жиноятчилик сабабсиз содир бўлмайди. Сабаб, ўз мазмунига кўра ижтимоий-психологик ҳолат бўлса, шароит иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келувчи ҳолат ҳисобланади.

Сабаб ва шароитнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли юзага келадиган «оқибат-жиноятчилик» ўзига хос оқибат ва жиноятчиликдан ташкил топган «сабаблар занжирини» келтириб чиқаради. Агар ушбу йўналиш қарама-қарши томонга ҳаракатланилса, сабаб ва оқибат ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳолатлар оқибати эканлигини кўриш мумкин. Масалан, мастлик оқибатида содир этиладиган жиноятчилик айрим шахс ёки гуруҳлар руҳиятида шаклланган ва алкоголизм билан боғлиқ, салбий анъаналар асосида юзага келишини кўриш мумкин. Ўз вақтида бу каби ҳолатлар уларнинг сабаб ва шароитини аниқлашга ҳам имкон беради [8].

Демак, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари улар қайси жамият ёки давлатда юзага келган бўлмасин, ўзининг салбий оқибатлари туфайли жиноятчилик манфаатларига мос бўлган. Шунинг учун ҳам уларни тугатишга ҳар бир давлат миқёсида ўзига хос усул ҳамда воситалар орқали таъсир чоралари қўлланганлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурасулова К.Р., Шарипова Г. Криминология. Т., 2006.
2. Антонян Ю.М., Бородин С.В., Самовичев Е.Г. О некоторых неосознаваемых мотивах систематического занятия бродяжничеством // Вопросы борьбы с

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

- преступностью. Вып. 36. М.,1982. С. 3–14
3. Гитин В., Хигир Б. Анатомия криминала. - Харьков: Паритет ЛТД,- 416 с.5. 4.
 4. Иванов В.Г. Причинность и детерминизм / В.Г. Иванов. - Л., 1974.-183 с.
 5. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қизм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 31. (– 272 б.)
 6. Криминология: Учебник. М., 1966. С. 35, 46.
 7. Криминология. Общая часть. СПб., 1992. С. 133.
 8. Abdurasulova Q.R., Utemuratova S.SH. Kriminologiya. Bilim. N.- 2018. B. 82
 9. Jinoyat huquqi. Darslik. SHARQ N.-2007. B. 61-65.
 10. Mergen A. Die Kriminologie. - Miinchen, 1978. - 409 s.